



СЕРВИС

№2

*ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ*

2022



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2022 йил 2-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

доцент **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўразов

Н.З.Юлдашова

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика
қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Шавкат Собирович Олтаев Қарорларни қабул қилиш назарияси ва унинг ривожланиши	5
G‘ayrat Zuvaytovich Ubaydullayev Inson kapitalini boshqarish asosida mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy siyosatni takomillashtirish	9
Нормўмин Нормаматович Мавланов Тадбиркорлик субъектлари ишончилигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш	14
Jasina Faxriddinovna Ruziboyeva, Anvar Nematovich Xoliqulov Mamlakatimizda inflyatsiya darajasi va uni kamaytirish yo‘llari	19
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Бурхон Садинович Болтаев Рақамли иқтисодиётда инсон капиталини бошқариш тамойиллари ва усуллари	23
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Инновацион иқтисодиёт шароитида рақамли технологияларни жорий қилиш орқали ўзини-ўзи банд қилиш йўллари	28
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузбой Нормаматов, Акрам Журакулович Гафуров Донакли мевалар магзининг кимёвий таркиби, озуқавий қиймати ва улардан фойдаланиш имкониятлари	33
Раъно Солидждонова Собитова Саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ҳудудий жиҳатлари	35
Зухур Давронович Ниёзов Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	38
Наргиза Акрамовна Очилова Дехқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ер майдонларидан фойдаланиш ҳолати	42
Қудрат Бахтиёрович Дилмонов Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг концептуал асослари	45
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда узум етиштириш муаммолари	50
Ойбек Джабборович Хусаинов Чорвачилик соҳасида инфратузилма хизматлари самарадорлигини прогнозлаштириш	53
Иззатилло Хикматович Шукуров, Шухрат Ташпулатович Максумов Повышение качества кондитерских изделий с растительными ингредиентами	59
Зебо Сафоевна Шохўжаева Сув ресурслари танқислиги шароитида сувдан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар тизими	62
Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева Саноат корхоналарида инновацион стратегияни татбиқ этишнинг иқтисодий асослари	68

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Абдумалик Бектемиров Хизматлар соҳасини ривожлантириш – аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг асосий мезони сифатида	74
Олим Мамаюнович Пардаев, Улугбек Ахмаджон ўғли Сагдуллаев Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг назарий асослари	78
Зайниддин Эшонқулов Замонавий савдо турлари ва уларга оид масалалар	83
Peng Xinge Opportunities and challenges of the global economy and service sphere in the post-epidemic period	86
Жаъсур Нарзуллаевич Ахмедов Хизмат кўрсатиш соҳасида электрон тижоратни самарали ривожлантириш	91
Аломатхон Раҳманбердиевна Абдуллаева Пандемия даврида мамлакатларнинг савдо муносабатлари	95
Феруза Курбановна Ачилова Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини умумий ривожлантиришнинг истиқболлари	100
Абдухолик Эгамович Тангиров Маҳсулотларни сотиш тизимини такомиллаштириш ва модернизациялаш	104
Захриддин Усубжонов Наманган вилояти қурилиш материаллари бозорининг ҳолати ва уни баҳолаш натижалари	107
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Шохрў Бахтиёр Навруз-зода Ёшлар туризмни ривожлантиришда кластерларнинг ташкилий механизмлари	113
Илёс Илҳомович Аюбов Туризм хизматлар бозоридаги туристик корхоналарда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш	118
Zafar Odilovich Raximov, Abdurauf Zoirovich Qorayev O‘zbekiston sharoitida ekstremal turizm rivojida innovatsion texnologiyalarning ahamiyati	120
Боходир Аззамбой ўғли Қўзибоев Инклюзив туризмни ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибаси ва уни мамлакатимизда қўллашнинг иқтисодий афзалликлари	125
Шахриёр Абдуллаевич Холбаев Туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари	130
Zafar Odilovich Raximov, Olovuddin Nuriddin o‘g‘li Samatov O‘zbekistonda sport turizmini rivojlantirish va yangi marshrutlar yaratish	134
Dilfuza Zoxitovna Norkulova, Jasur Farxodovich Fattayev O‘zbekistonda mehmon uylari faoliyatini mobil ilovalar orqali takomillashtirish	137
Равшан Алиевич Аллаёров COVID-19 пандемияси таъсирида самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши прогнози	142
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Равшанбек Расулжонович Хожиматов Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар	146

- банклар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва кредит линияларини ишга тушириш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг инновацион усулларидан фойдаланиш;
- илмий ва амалий билимга эга мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш;
- маркетинг тизимини чуқур ўрганиш, олинган даромадни оқилона тақсимлай олиш кабилардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. Манба: lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дехқон хўжаликларида томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сонли Қарори. 2018 йил 18 март. Манба: lex.uz
4. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Н.Очилова	N.Ochilova
Текущее состояние дехканских хозяйств и землепользования населением	Current status of dehkan farms and land use by population
<p>Аннотация: В данной статье анализируются виды культур, выращиваемых хозяйствами и населением, уровень их продуктивности, изменение валового сбора, факторы, влияющие на них, и наиболее эффективное использование земли.</p> <p>Ключевые слова: сельское хозяйство, дехканские хозяйства, пашня, землепользование, эффективность.</p>	<p>Abstract: This article analyzes the types of crops grown by farms and the population, their level of productivity, changes in gross yield, the factors affecting them, and the most efficient use of land.</p> <p>Keywords: agriculture, dehkan farms, arable land, land use, efficiency.</p>

Қудрат Бахтиёрвич Дилмонов – БухДУ, “Туризм ва меҳмонхона хўжалигини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

<p>Аннотация: Мақолада эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг моҳияти, ташкил этилишининг қонуний асослари, вилоятда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг ўзига хос йўллари таҳлил қилинган.</p> <p>Калит сўзлар: эркин иқтисодий ҳудуд, туристик зона, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий зоналар, кичик саноат зоналари, ЭИЗ, туристик имконият, технопарклар, минтақавий инновация марказлар-технополислар.</p>
--

Кириш: Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Эркин иқтисодий зона — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир. Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно. Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.¹

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили: Ушбу мавзуда Д.Ю.Хўжамқулов², М.Кама-

¹О‘zbekiston Respublikasining “Maxsus iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi Qonuni. 2020-yil 17-fevral.

²Хо‘jamqulov D.Yu. “Erkin iqtisodiy zonalar” T., 2019 y. Darslik. -408 bet.

лов, М.Қурбонов¹ каби олимларнинг эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқларига бағишлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бошқа ўқув ва илмий рисоалар ёзганлар. Аммо ушбу асарларда эркин иқтисодий ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар умумий ҳолатда келтирилган, аниқ бир ҳудуд фаолияти асосида маълумотлар тўлиқ акс эттирилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таққослаш, тренд таҳлили, горизонтал таҳлил, вертикал таҳлил, қиёсий таҳлил, SWOT таҳлил каби усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги Қарор билан белгиланади.

Эркин ишлаб чиқариш зоналари экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини, индустриал-иқтисодий зоналарни ва бошқа зоналарни ўз ичига олади.

Эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.

Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари—технополислар шаклида ташкил этилади.

Эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган дастурга мувофиқ ривожлантирилади.

1-жадвал

Ўзбекистонда ташкил этилиши режалаштирилган эркин туристик ҳудудлар тавсифи²

Эркин туристик ҳудудлар	Жойлашган ҳудуди	Ер майдони	Ҳомий давлат ёки компания	Ажратилиши мўлжалланган маблағ миқдори
“Чорвоқ” эркин туристик зонаси	Тошкент вилояти	334,8 км ²	Франция компаниялари консорциуми Франция тараққиёт агентлиги	750 минг евро
“Зомин” туристик-рекреацион зонаси	Жиззах вилояти	2,87 минг км ²	Туркия Республикасининг “ИДЕАЛИСТ” компанияси	250 миллион АҚШ доллари
“Шовот” кичик туризм зонаси	Хоразм вилояти	0,46 минг км ²	Франция тараққиёт агентлиги	250 минг евро
“Говук қўл” кичик туризм зонаси	Хоразм вилояти	0,1 минг км ²	Франция тараққиёт агентлиги	250 минг евро

Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона мавжуд бўлиб, улардан айримларининг фаолияти анча жадаллашган. Хусусан, “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62-лойиҳа амалиётга татбиқ этилган, қолаверса, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Ҳозиргача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 та лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебел

¹ Kamalov M., Qurbonov M. “Erkin iqtisodiy zonalar huquqi” T.2018 y. Darslik.296 bet.

² Belgilangan tartibdagi Qonun hujjatlari asosidagi muallif ishlanmasi

ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, келгусида 248 та лойиҳани амалиётга татбиқ этилиши натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Фақатгина давлат бюджети маблағлари ёки банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш орқали ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини молиялаштириш асосида минтақалар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконсиз. Бу борада хусусий секторнинг ижтимоий масъулиятини ошириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги (шериклиги) асосида лойиҳаларни амалга ошириш ҳам олдимиздаги стратегик вазифалар ижросида муҳим ўринга эга. Айтим имкониятлардан фойдаланган ҳолда энергетика, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш, сув хўжалиги, таълим, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда ҳудудлар кесимида қарийб 2,2 миллиард АҚШ долларига тенг қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда

Эркин иқтисодий ҳудудларни айтим бир ҳудуд, минтақадаги ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида, бу борада бир қанча кузатувларни амалга оширдик. Биз айнан Бухоро минтақасидаги ҳолатни кўриб чиқадиган бўлсак, 2021 йил маълумотларига кўра, вилоятда 2 та “Ғиждувон” ЭИЗ ва “Бухоро-Агро” ЭИЗлари мавжуд. Қуйида ушбу ЭИЗларга давлат томонидан берилган имтиёзлар ҳақидаги таҳлиллар келтирилган.

“Ғиждувон” ЭИЗ ¹	
Ер майдони	267,5 гектар
“Ғиждувон” ЭИЗда махсус божхона зонаси режими мавжуд.	
Инвесторлар	32 та
Лойиҳалар	38 та
Умумий қиймати	140,7 миллион доллар
Иш ўринлари	2533 киши
2020 йилда ишлаб чиқариш ҳажми	28,5 млн. доллар, шу жумладан экспорт 17.0 млн. доллар
Халқаро аэропортгача йўл	40 дақиқа
Темир йўл вокзалигача	30 дақиқа
Экспорт бозори:	Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон, Корея, Германия, Ҳиндистон, Беларусия, Украина
Асосий йўналишлар	Мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш текстил, гилам тақиш пойабзал ва чарм-галантерея экологик жиҳатдан хавфсиз кимё саноати, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва б.
«Ғиждувон» эркин иқтисодий зонасининг қатнашчилари қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:	<ul style="list-style-type: none"> • мол-мулк солиғи; • ер солиғи; • сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи.
ЭИЗ қатнашчилари қуйидаги божхона тўловларидан озод этилади:	<ul style="list-style-type: none"> • республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно); • тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно); • ЭИЗ иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё,

¹ <http://www.feziyduvan.uz/uz/index#customs>

	материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда божхона тўловлари (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўланмайди.
Юқорида кўрсатилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, шу жумладан қуйидагиларга тенг миқдорда 3 йилдан 10 йилгача муддатда берилади:	<ul style="list-style-type: none"> • 300 минг АҚШ долларидан 3 млн АҚШ долларигача инвестиция киритилганда — 3 йил муддатга; • 3 млн АҚШ долларидан 5 млн АҚШ долларигача инвестиция киритилганда — 5 йил муддатга; • 5 млн АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача инвестиция киритилганда — 7 йил муддатга; • 10 млн АҚШ доллари ва ундан ортиқ инвестиция киритилганда — 10 йил муддатга, кейинги 5 йил мобайнида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкалардан 50 фоиз паст миқдорда қўлланилган ҳолда берилади.
"Ғиждувон" ЭИЗ Иқтисодий зонанинг асосий таъминоти:	Автомобил йўллари Газ таъминоти Электр таъминоти Сув таъминоти Канализация Интернетни қўллаб-қувватлаш

Мамлакатимиз туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, миллий-маданий меросни миллий ва халқаро жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш, зиёрат туризми, экологик туризм, гастрономик туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. 2021 йилда ҳудудлар миқёсида туризм инфратузилмаси дастури учун ажратилган маблағлар қуйидагича бўлган.

2-жадвал

2021 йилда туризм инфратузилмаси дастури учун ҳудудлар кесимида ажратилган маблағлар, млрд сўмда¹.

Вилоятлар	млрд сўм	Жамига нисбатан фоизда
Андижон	29,9	2,9
Бухоро	82,9	8,3
Жиззах	91,5	9,1
Қашқадарё	85	8,5
Навоий	54,7	5,5
Наманган	37,5	3,7
Самарқанд	135,1	13,5
Сурхондарё	57,1	5,7
Сирдарё	4,5	0,4
Тошкент	48,4	4,8
Фарғона	33,8	3,4
Хоразм	238,4	23,8
Тошкент шаҳри	16,4	1,6
Қорақалпоғистон Республикаси	84,9	8,5
Жами	1000,1	99,7

Юқоридаги жадвалдан шуни хулоса қилиш мумкинки, 2021 йилда туризм инфратузилмаси дастури учун ҳудудлар кесимида ажратилган маблағлар таркиби қуйидагича ўзгарган. Туризм инфратузилмаси дастури учун ҳудудлар кесимида ажратилган маблағлар таркиби бўйича энг юқори кўрсаткич Хоразм вилоятида кузатилган бўлиб, 238,4 млрд. сўмга тенг бўлган. Ҳудудлар кесимида энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида кузатилган бўлиб, 4,5 млрд. сўмга тенг бўлган. Ушбу жадвалда шуни кўриш мумкинки, Бухоро вилоятига туризм инфратузилмаси дастури учун ажратилган маблағлар суммаси 82,9 млрд. сўмга тенг

¹ <https://stat.uz/uz/>

бўлиб, жами маблағлар таркибидаги улуши эса 8,5 % ни ташкил этган.

Сўнгги йилларда мамлакат миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни изчил амалга оширилмоқда, бу эса унинг тез ривожланиш, янги иш жойлари яратиш, даромадларни ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, шунингдек, инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган.

2021- йилнинг январ-сентябр ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1135,6 минг кишини¹⁾ ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 1349,9 минг кишини ташкил этган. Ўзбекистонга келган чет эл фуқароларининг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 214,3 минг кишига камайган.

Шу билан бирга, 2021 йилнинг январ-сентябр ойларида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1446,2 минг кишини) ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг январ-сентябр ойларида бу кўрсаткич 1639,4 минг кишини ташкил этган. Хориж мамлакатларига кетган фуқароларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193,2 минг кишига камайган.¹

3-жадвал

Минтақада эркин туристик ҳудудларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. (SWOT таҳлил)

Минтақада эркин туристик ҳудудларни ташкил этишдаги мавжуд имкониятлар	Минтақада эркин туристик ҳудудларни ташкил этишдаги муаммолар
Минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятлари юқори даражадаги мавжудлиги	айрим эркин иқтисодий зоналарда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш билан боғлиқ масалалар ҳалигача охирига етказилмаган. Бу инвесторларни жалб қилишда қийинчиликлар туғдирапти.
Минтақанинг туристик салоҳиятининг юқори даражадаги мавжудлиги	эркин иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан тижорат банкларига янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан таклиф киритиш бўйича етарлича ташаббус кўрсатилмаяпти.
Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун минтақа инвестиция салоҳиятининг юқори даражадаги мавжудлиги	баъзи ҳокимликлар томонидан эркин иқтисодий зоналарда лойиҳалар аниқ ҳисоб-китобларсиз жойлаштирилиши оқибатида айрим фаолият турлари учун сунъий имтиёз берилишига ва бу, ўз навбатида, бозордаги рақобат муҳитининг бузилишига олиб келмоқда.
маҳаллий хомашё ва материаллар негизда мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг мавжудлиги	мавжуд эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат, шунингдек, фармацевтика зоналарида фаолият юритаётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион, юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил қилган бизнес субъектлари ва тадбиркорларга берилаётган қўшимча имкониятлар, имтиёз ва преференцияларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳам муаммолардан биридир.

Хулоса ва таклифлар. Минтақада ЭХЗлар билан бир қаторда, эркин туристик ҳудудларни (ЭТХ) ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Бухоро минтақасида эркин туристик ҳудудларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари SWOT таҳлил қилиш натижаларига кўра, минтақанинг туристик имкониятлари жуда юқори бўлиб, ҳудуд қадимий, меъморий обидаларга бой, туризмнинг барча йўналишларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Шу жумладан минтақада қуйидаги туристик хизматларни ривожлантириш имкониятлари ўрганиб чиқилган.

¹ file:///C:/Users/user/AppData/Local/Temp/Turistik%20oqim.pdf

1. Қишлоқ туризми.
2. Жайлоо туризм.
3. Гастрономик туризм.
4. Фестивал туризми.
5. Зиёратчилик туризми.
6. Тиббиёт туризми.
7. Шоппинг туризм.
8. Экотуризм.

Шу муносабат билан минтақа ички ва ташқи салоҳиятидан келиб чиқиб, ЭИЗ лар таркибида ЭТЗ (Эркин туристик зоналар)ни ташкил этиш керак деб хулоса қиламиз. Масалан, «Ғиждувон» ЭИЗ таркибида агар ЭТЗ ларни ташкил қилсак, ички туризм билан бир қаторда ташқи туризмни ҳам ривожлантириш имкони пайдо бўлар эди. Чунки шу ҳудудда жойлашган аҳоли ҳам зиёрат, ҳам тижорат дегандек, «Шоппинг туризм» билан бевосита шуғулланадилар. Агарда бу жараёнда дам олиш туризмни ҳам инобатга оладиган бўлсак, инсонлар ҳам маънавий, ҳам жисмоний дам олиш, табиат кучоғида бўлиш, ҳаво ва куюш ванналари организмни чиниқтиришда ниҳоятда фойдали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://stat.uz/uz/>
2. <file:///C:/Users/user/AppData/Local/Temp/Turistik%20oqim.pdf>
3. <http://www.fe zgijduvan.uz/uz/index#customs>
4. O‘zbekiston Respublikasining “Maxsus iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi Qonuni. 2020 yil 17 fevral.
5. D.Yu.Xo‘jamqulov “Erkin iqtisodiy zonalar” Darslik. T., 2019-y. - 408 bet.
6. Kamalov M., Qurbonov M. “Erkin iqtisodiy zonalar huquqi” T., 2018-y. Darslik. 296 bet.
7. Дилмонов К. THE ASPECT OF INNOVATION IN TOURISM SPHERE //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
8. Bakhtiyorovich D. K. THE ASPECT OF INNOVATION IN TOURISM SPHERE //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2021. – Т. 5. – С. 68-73.

<p>К.Дилмонов</p> <p>Концептуальные основы создания свободных экономических зон в Узбекистане</p> <p>Аннотация: в статье анализируются свободные экономические зоны, их сущность, правовая основа их организации, конкретные способы создания свободных экономических зон в регионе.</p> <p>Ключевые слова: свободная экономическая зона, туристическая зона, свободные производственные зоны, свободные научно-технические зоны, малые промышленные зоны, ЭИЗ, туристические возможности, технопарки, региональные инновационные центры-технополисы.</p>	<p>K.Dilmonov</p> <p>Conceptual framework for the creation of free economic zones in Uzbekistan</p> <p>Abstract: the article analyzes free economic zones, their essence, the legal basis for their organization, specific ways to create free economic zones in the region.</p> <p>Keywords: free economic zone, tourist zone, free industrial zones, free scientific and technical zones, small industrial zones, EIZ, tourism opportunities, technology parks, regional innovation centers-technopolises.</p>
---	--

Умар Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова – СамИСИ мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗУМ ЕТИШТИРИШ МУАММОЛАРИ

<p>Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистонда узум етиштиришнинг ҳозирги ҳолати, узум турлари ва уларни етиштиришдаги муаммолари, ҳамда мамлакатимизда узум етиштиришни кўпайтириш имкониятлари баён қилинган.</p> <p>Калит сўзлар: кластер, кооперациялар, узум етиштириш, томчилатиб суғориш, токзорлар, винобоп узумлар, интенсив боғлар.</p>

Кириш. Ўзбекистонда қадимдан узум етиштириб келинган. Ўзбекистоннинг серқуёшлиги, иқлими ширин, витамин ва микроэлементларга бой узум етиштириш имко-